



# O'ZSANOATQURILISHBANK

"O'zbekiston sanoat-qurilish banki" aksiyadorlik tijorat banki  
"Uzbek Industrial and Construction Bank" Joint-Stock Commercial Bank  
Акционерный коммерческий банк "Узбекский промышленно-строительный банк"

## Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилиши 36-сонли баённомасидан кўчирма

Манзил: "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ биноси,  
Тошкент шаҳри, Шахрисабз кўчаси, 3-уи.

2017 йил 12 декабрь  
Иш вақти: 11.00 - 12.00

Йигилишни Банк Кенгаши аъзоси – У. Мухтаров очди.

Саноқ комиссияси йигилишда иштирок этиш учун умумий овоз берувчи акцияларнинг 63 989 716 422 (олтмиш уч миллиард тўққиз юз саксон тўққиз миллион етти юз ўн олти минг тўрт юз йигирма икки) дона ёки 90,2 фоизига эгалик килувчи 15 (ўн беш) нафар акциядор ва акциядорларнинг вакиллари рўйхатдан ўтганлиги ва Умумий йигилиш ваколатли, яъни кворум мавжудлигини маълум килди.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилиши кун тартибига куйидаги масалалар киритилган:

1. "Ўзбекистон саноат-қурилиш банк" акциядорлик тижорат банки Кенгаши айrim аъзоларининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш тўғрисида;
2. "Ўзбекистон саноат-қурилиш банк" акциядорлик тижорат банки Кенгаши таркибига янги аъзоларни сайлаш тўғрисида;
3. Эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш тўғрисида;
4. Банк Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида;
5. "Ўзбекистон саноат-қурилиш банк" акциядорлик тижорат банки Кенгаши тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида;
6. "Ўзбекистон саноат-қурилиш банк" акциядорлик тижорат банкининг янги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш тўғрисида.

Кун тартибининг барча масалари юзасидан йигилишга раислик қилувчи У. Мухтаров батафсил тўхталиб ўтди ва тегишли тушунтиришлар берди.

Кун тартибига киритилган масалаларни кўриб чиқиш натижаларига кўра, Банк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йигилиши

### ҚАРОР ҚИЛДИ:

1. Банк Кенгаши аъзолари Гулямов Равшан Аюбович, Камалов Аюбхон Арибджанович, Ибрагимов Гуломжон Иномович, Хажимуратов Шерзод Юлдашевич ва Саломов Фазлитдин Ибодуллаевичларнинг "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ Кенгаши аъзолиги ваколати муддатидан илгари тугатилсин.

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 63 989 716 422 овоз.

"Ёқлайман" - 63 989 716 422 овоз, "Каршиман" - йўқ, "Бетарафман" - йўқ.

**2.** Кумулятив овоз бериш натижаларига кўра, Банкнинг Саноқ комиссияси баённомасига мувофиқ Банк Кенгаши аъзолигига қуидаги шахслар сайлансин:

№	Сайланувчининг фамилияси, исми ва отасининг исми	Эгаллаб турган лавозими	Тўпланган овозлар сони	Тўпланган овозлар (фоизда)
1.	Вафаев Шухрат Абдушарифович	Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ижрочи директори	78 577 139 907	24,56%
2.	Юсупов Олим Анварович	Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, бошқарма бошлиги ўринbosари	78 577 139 906	24,56%
3.	Хайдаров Аҳадбек Яхёбекович	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг биринчи ўринbosари	77 568 309 592	24,24%
4.	Калонхўжаев Расоҳон Рустамхўжа ўгли	“Ўзбек-Омон инвестицион компанияси” МЧЖнинг Бош директор ўринbosари	73 666 149 490	23,02%
5.	Мустафоев Улугбек Мавлонович	“Ўзбекэнерго” АЖ Бошқаруви Раиси	11 559 843 215	3,61%

**3.** Банкнинг эълон қилинган акцияларининг энг кўп миқдори қуидагича белгилансин. Эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдори 200 000 000 000 (икки юз миллиард) дона, шу жумладан 199 814 000 000 (бир юз тўқсон тўққиз миллиард саккиз юз ўн тўрт миллион) дона эгасининг номи ёзилган оддий акциялар, 186 000 000 (бир юз саксон олти миллион) дона эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялар.

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 63 989 716 422 овоз.

“Ёқлайман” - 63 989 377 872 овоз, “Қаршиман” - йўқ, “Бетарафман” - 338 550 овоз.

**4.** Банк Уставига қуидаги ўзгартиришлар киритилсин.

Банк Уставининг 16.2-банди қуидаги таҳрирда баён этилсин:

“16.2. Устав капиталини ошириш мақсадида, Банк чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган (қўшимча) жами акциялар сони 200 000 000 000 (икки юз миллиард) донани ташкил қиласи, шу жумладан:

- умумий сони 199 814 000 000 (бир юз тўқсон тўққиз миллиард саккиз юз ўн тўрт миллион) дона эгасининг номи ёзилган оддий акциялар;

- умумий сони 186 000 000 (бир юз саксон олти миллион) дона эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялар.”

Банк Уставининг 41-банди қуидаги таҳрирда баён этилсин:

“41. Банк томонидан очик обуна усулида жойлаштириладиган қўшимча акциялар муомалага чиқарилганда акциядорлар Банк Устав капиталидаги улушига пропорционал равишда имтиёзли сотиб олиш хуқуқига эга бўлади.”

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 63 989 716 422 овоз.

“Ёқлайман” - 63 989 377 872 овоз, “Каршиман” - йўқ, “Бетарафман” - 338 550 овоз.

**5.** “Ўзбекистон саноат-курилиш банк” акциядорлик тижорат банки Кенгashi тўғрисидаги низомга қуидаги ўзгартириш киритилсин.

Низомнинг 4.2-банди чиқариб ташлансин.

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 63 989 716 422 овоз.

“Ёқлайман” - 63 989 716 422 овоз, “Каршиман” - йўқ, “Бетарафман” - йўқ.

**6.** Банкнинг ташкилий тузилмасига ўзгартиришлар киритилсин ва қайта тасдиqlансин.

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 63 989 716 422 овоз.

“Ёқлайман” - 46 767 556 280 овоз, “Каршиман” - йўқ,

“Бетарафман” - 17 222 160 142 овоз.


**Акциядорларнинг навбатдан ташқари  
умумий йиғилиши Раиси:**

**У. Мухтаров**

**Акциядорларнинг навбатдан ташқари  
умумий йиғилиши котибияти:**

**З. Баймурадова**

**К. Хасанова**



Баённома расмийлаштирилган сана: 2017 йил “12” декабрь.